



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 230 (12.541)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН:

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг таклифи билан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 25 ноябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ўзбекистон ва Туркменистон халқларини умумий тарих, муштарак маданият ва қадриятлар, ўхшаш тил ва урф-одатлар ўзаро боғлаб туради. Тақдир синовлари даврида бир-бирига елкадош бўлиб, саодатли дамларда қувончини баҳам қўриб келган ўзбек ва туркман халқлари азалдан бир-бирининг маданиятини бойитиб, савдо-сотиқ қилиб келади, бир дарёдан сув ичади.

Аждодларимизнинг илмий-маънавий ва адабий мероси халқларимизнинг умумий мулки саналади. Ишонч билан айтиш мумкин, Туркменистонда Алишер Навоий, Ўзбекистонда Махтумқули асарлари кириб бормаган хонадон деярли йўқ.

Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар мустақиллик йилларида янги, сифат жиҳатдан янада юқори босқинга кўтарилди. Бугун Ўзбекистон — Туркменистон ҳамкорлиги 2007 йилда имзоланган Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида жадал ривожланмоқда. Мунтазам равишда олий даражадаги учрашувлар ўтказиб келинаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарларининг бу галги Тошкент учрашуви олий даражадаги самарадор ва фаол мулоқотларнинг мантисий давоми бўлди.

Олий мартабали меҳмонни расмий қутиб олиш маросимидан кейин Ислоҳ Каримов ва Гурбангули Бердимухамедовнинг яккама-якка суҳбатига Ўзбекистон — Туркменистон муносабатларига доир кенг қўламли масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, Туркменистон раҳбарининг ушбу ташрифи ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик, яхши қўшничилик тамойилларига асосланган икки томонлама муносабатларга янги суръат бахш этиши таъкидланди.

Ўзбекистон ва Туркменистон БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар доирасида изчил ҳамкорлик қилиб келаётгани, мамлакатларимизнинг минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммоларга ёндашувлари, қарашлари ўхшаш ва яқин экани қайд этилди. Ислоҳ Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов терроризм, экстремизм, уюшган жиноятчилик, наркотрафик каби таҳдидларга қарши курашиш борасидаги ҳамкорликка доир масалаларни ҳам муҳокама этдилар.

Икки давлат раҳбарлари Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашар экан, Афғонистонда ҳарбий куч ишлатиш йўли билан тинчлик ўрнатиб бўлмаслигини яна бир бор таъкидлади. 2014 йилда халқаро коалиция кучларининг Афғонистондан чиқарилиши ҳафсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш, беқарорликнинг мазкур мамлакат ҳудудидан ташқарига ёйилишига йўл қўймаслик учун кенг қўламли халқаро ҳамкорлиқни, саъй-ҳаракатларни янада фаол мувофиқлаштиришни тақозо этиши қайд қилинди.

Марказий Осиёда сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Сув-энергетика соҳасига оид масалалар халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёри ва тамойиллари асосида, минтақадаги барча давлатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, халқаро ташкилотлар иштирокида қўриб чиқирилиши зарурлиги таъкидланди. Трансчегаравий дарёларда гидроэнергетика иншоотлари қуриш масалаларига БМТнинг трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланишга оид конвенциялари талабларига риоя қилган ҳолда ёндашиш лозимлиги қайд этилди.

Президентлар икки томонлама ҳамкорлик стратегияси ҳамда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан ўзаро келишилган позиция ишлаб чиқиш мақсадида олий даражадаги учрашувларни мунтазам давом эттиришга келишиб олдилар.

Ислоҳ Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов музокарани Ўзбекистон ва Туркменистон расмий делегациялари аъзолари иштирокида давом эттирдилар.

Икки мамлакат ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлиқни олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувларга мувофиқ изчил ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратади.

Кейинги беш йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 3 баробардан зиёдрок ўсиб, 2012 йил якунларида қўра 450 миллион АҚШ долларидан кўпроқни ташкил этди. Ўзбекистоннинг Туркменистонга экспорти минерал ўғитлар, қурилиш материаллари, полиз маҳсулотлари, электр ва механик ускуналар, транспорт воситалари, қора ва рангли металллардан ишланган буюмлар ва турли соҳадаги хизмат кўрсатишдан иборат. Туркменистондан юртимизга нефть маҳсулотлари, пропилен полимерлари, сульфат кислота каби товарлар келтирилади.

Ўзбекистон томони 2012 йилда имзоланган Ўзаро етказиб бериш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим ҳамда 2013-2017 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага мувофиқ икки томонлама савдо ҳажмини янада ошириш ва уни диверсификация қилиш мақсадга мувофиқ эканини таъкидлади. Хусусан, Ўзбекистон корхоналари Туркменистон бозорига узок муддатли асосда ва кенг қўламли машинасозлик, электротехника ва кимё саноати маҳсулотлари, минерал ўғитлар, қурилиш материаллари, замонавий енгил ва юк ташувчи автомобиллар, автобуслар, қишлоқ хўжалиги техникаси, қайта ишланган полиз маҳсулотлари етказиб беришга тайёр.

Иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркменистон ҳукуматлараро комиссияси самарали механизм вазифасини ўтамоқда. Жорий йил 11-12 ноябрь кунлари Ашхободда унинг тўққизинчи мажлиси бўлиб ўтди. Анжуманда таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Туркменистон ўзаро савдо ва сармоя ҳажмини ошириш, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг қўшни мамлакат бозоридagi ўрнини кенгайтириш учун барча имкониятларга эга. Бизнес-форумлар ташкил қилиш, миллий маҳсулот ва хизматлар кўргазмаларини ўтказиш ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Туркменистон иқтисодий ҳамкорлигида транспорт коммуникациялари ўстувор жиҳат саналади. Икки мамлакатнинг автомобиль ва темир йўллари яхши интеграцияланган тизим бўлиб, нафақат Ўзбекистон ва Туркменистон, балки учинчи давлатлар учун ҳам қулай транзит мажмуи вазифасини ўтамоқда. 2013 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон ҳудудидан Туркменистонга тегишли 304,9 минг тонна юк ташиб ўтилган бўлса, ушбу давлат ҳудудидан юртимизга қарашли 283,8 минг тонна юк олиб ўтилди. Транспорт коммуникациялари ва транзит соҳасидаги ҳамкорлиқни кенгайтириш ва ўзаро келишилган тариф сиёсати юритиш икки томон салоҳиятини тўлиқ юзага чиқарибгина қолмай, Ўзбекистон ва Туркменистоннинг учинчи давлатлар учун жозибадорлигини ҳам оширади.

Ўзбекистон томонининг фикрича, Эроннинг Бандар Аббос ва Туркиянинг Мерсин бандаргоҳлари йўналиши бўйича Туркменистон коммуникацияларининг рақобатбардошлиги ва жозибадорлигини ошириш учун тарифларни оптимallasштириш, қулай преференциялар жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, мамлакатларимизнинг Форс кўрфазини портларига қиқиниши таъминлаш учун Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Ҳитой халқаро транспорт ва транзит йўлагини барпо этиш тўғрисидаги битимини изчил ва тизимли равишда амалга ошириш зарур.

Мамлакатларимиз халқаро миқёсдаги йирик лойиҳаларни амалга ошириш борасида катта таърибага эга. 2009 йилнинг декабрь ойида ишга тушган Туркменистон — Ўзбекистон — Қозоғистон — Хитой газ қувури бунинг ёрқин тасдиғидир.

Музокарада қўша корхоналар, миллий фирма ва компаниялар ваколатхоналарининг сонини кўпайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Масалан, Ашхобод шаҳрида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобилларни сотиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича Туркменистон — Ўзбекистон қўша корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ҳўжалик субъектлари ўртасидаги тўғридан-тўғри ҳамкорлиқни ривожлантириш йўлидаги амалий кадам бўлган мазкур корхона икки мамлакат бу борада талай имкониятларга эга эканини намоён этади.

Тошкентда Туркменистон, Ашхободда Ўзбекистон миллий кўргазмаларини ташкил қилиш яхши аънамага айланган. Шу билан бирга, савдо-сотиқни ривожлантиришда Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида тўлақонли эркин савдо тартибининг йўлга қўйилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Туркменистон томони «Навоий», «Жиззах», «Ангрен» иқтисодий зоналари билан таништирилди.

Музокарада агросаноат мажмуи соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимни тўлиқ амалга ошириш зарурлиги қайд этилди. Бу битим қишлоқ хўжалиги техникаси етказиб бериш, пахтачилик ва галлачилик, ўсимликларни кимёвий ва биологик химоялаш, селекция, кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорлиқни янада кенгайтиришни назарда tutади.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Бу борада 2011-2013 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури доирасида икки мамлакатнинг маданият ва санъат намоёндалари Ўзбекистонда ва Туркменистонда ўтказиладиган турли концертлар, фестивал ва кўриklar, кўргазма ва форумларда фаол иштирок этмоқда. 2009 йилги «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида

туркменистонлик хонанда Лале Бегназарова Гран-при соҳиби бўлган эди, 2011 йилдаги фестивалда эса «Галкиниш» ижодий гуруҳи учинчи ўринни эгаллади.

Олий даражадаги учрашувлар доирасида бир неча марта Ўзбекистон ва Туркменистон санъаткорларининг қўша концертлари ўтказилди. Ўзбекистон — Туркменистон халқларининг дўстлик фестивали деб аталган бу анжуманлар икки мамлакат маданий ҳаётида катта воқеа бўлди.

2013 йилнинг август ойида Ўзбекистон вакиллари Туркманбоши шаҳрида бўлиб ўтган иқтидорли болаларнинг «Аваза — дўстлик ўлкаси» халқаро фестивалида иштирок этди.

Келишувга биноан бундан буён ҳам икки мамлакатда ўтказиладиган фестивал, концерт, кўрик-танлов ва кўргазмалар, шунингдек, спорт мусобақалари ҳақида мунтазам равишда маълумот алмашиб борилади ҳамда маданият ва санъат намоёндаларининг, спортчиларнинг фаол иштироки таъминланади.

Илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик юксалмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Генетика ва экспериментал биология институти вакиллари туркменистонлик ҳамкасблари билан Туркменистон шароитига мос келадиган уруғлик чигит ва дон навларини яратиш борасида ҳамкорлик қилмоқда. Илм-фан вакиллари нефть кимёси соҳасида ҳам қўша изланишлар олиб бормоқда.

Музокарада сайёҳлик соҳасида мамлакатларимиз улкан имкониятларга эга экани таъкидланди. «Буюк Ипак йўли» сайёҳлик лойиҳаси доирасида комбинацияланган сайёҳатлар ташкил қилиш орқали бу соҳадаги алоқаларни фаоллаштиришга келишиб олинди. Бошқача айтганда, Ўзбекистонга келган сайёҳ Туркменистон, Туркменистонга борган сайёҳ Ўзбекистон орқали қайтиб кетишини йўлга қўйиш мумкин. Шу тарика миллий авиакомпанияларнинг ҳамкорлигини кенгайтириш учун ҳам яхши замин яратилади.

Музокарада якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов қўша баёнотни имзоладилар. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида Маданий-гуманитар соҳада 2014-2016 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Жиний йўл билан ортирилган даромадларни легallasштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Шунингдек, икки мамлакатнинг кимё саноати ва туризм компаниялари, ахборот агентликлари, товар-хона ашё биржалари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислоҳ Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов музокарада очик, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар. Ўзаро муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасида манфаатлар ва қарашларнинг муштараклиги, шунингдек, муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан позиция ва ёндашувлар ўхшаш ва яқинлиги яна бир қарра ўз тасдиғини тоғгани қайд этилди.

Куннинг иккинчи яримида Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида ташриф буюрдилар. Олий мартабали меҳмон хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг бош майдонида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди.

Президентлар давлатимиз раҳбари ташаббуси ва ғояси асосида бунёд этилган «Маърифат маркази»ни бориб кўрди. Ушбу мажмуадан ўрин олган Сим-позиумлар саройининг кўрку салобати, меъморий ечимини, йирик илмий анжуманлар ва халқаро сим-позиумлар ўтказиш учун яратилган замонавий шарт-шароитлар, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг бой ахборот-кутубхона фонди, бу ерга келган ёш йигит-қизларнинг юксак интеллектуал салоҳияти олий мартабали меҳмонда катта таассурот қолдирди.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда.

Анвар БОБОЕВ,
Анвар САМАДОВ,
ЎЗА мухбирлари



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқанд вилояти адлия бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллиги муносабати билан «Конституция — миллий тараққиётимиз пойдевори» мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Учрашувда тадбиркор ва фермерларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

● Фарғона вилоятида «Интернет журналистикаси ва босма оммавий ахборот воситалари» мавзусида ўқув семинари ўтказилди. Семинарда босма оммавий ахборот воситалари ва уларнинг электрон муқобиллари, аънавий оммавий ахборот воситалари ва интернетга оид мавзуларда маърузалар тингланди. Ахборот-коммуникация технологияларидан самарали ва оқилона фойдаланиш юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

● Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида тиббий кўрикнинг иккинчи босқичи бошланди. Тўрт кун давом этадиган ушбу тадбирда республика ихтисослашган илмий марказлари, илмий текшириш институтлари ва ихтисослашган таълим муассасаларининг етакчи мутахассис ҳамда тажрибали шифокорлари аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказди.

● Наманган муҳандислик-технология институтида «Наманган текстили кластери» лойиҳасини шакллантиришнинг илмий-услубий ва амалий масалаларига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда Наманган муҳандислик-технология институти профессор-ўқитувчилари, магистрант ва иқтидорли талабалари томонидан олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари натижаси акс эттирилган стенд, монография, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, электрон дарсликлар кўргазмалари намоиш этилди.

ЖАҲОНДА

● АҚШнинг ғарбий ва марказий ҳудудларида кузатилаётган кучли қор бўронлари қатор ноқулайликларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, Калифорния, Аризона, Нью-Мексико, Оклахома, Техас, Арканзас, Луизиана штатларида ёгингарчилик миқдори кўп бўлгани учун автомобиль йўлларида узундан-узок тирбандликлар юзага келган, авиахалокатлар сони ортган. Айрим аҳоли пунктлари электр таъминотида узилиб қолган.

● Ўтган ҳафтада Хитойнинг Циндао шаҳридаги нефть қувурларидан бирида портлаш рўй берган эди. Воқеа оқибатида қурбон бўлганлар сони 55 кишига етган, 136 нафар одам жароҳатланган. Тўққиз киши эса бедарак йўқолган.

● Индонезиядаги Синабунг вулкони яна фаоллашди. У ердан ажралиб чиқаётган қуюқ тутун ва кул беш минг метр балангликни забт этган. Маҳаллий ҳукумат вакиллари унинг тарқибидан инсон саломатлигига хавф солувчи захарли моддалар бўлиши мумкинлигидан хавотирланмоқда.

● Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида шахмат бўйича мезбон спортчи Вишванатан Ананд ва норвегиялик Магнус Карлсен ўртасида жаҳон чемпиолиги учун ўтказилган баҳс европалик гроссмейстернинг ғалабаси билан якунланди.



ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлидирлар.
(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 46-модда).

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишлаб «Хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш – доимий эътиборда» мавзусида республика анжумани ташкил этилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раислари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, олий ўқув юртлилари профессор-ўқитувчилари, ҳуқуқшунос олимлар, экспертлар иштирок этди.

Республика «Нуроний» жамғармаси раиси Э.Бокимов, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси бошқаруви раисининг ўринбосари Н.Миронова, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Д.Аллаев, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдурахимова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган мамлакатини модернизация қилиш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида хотин-қизларга юксак ҳурмат ва эътибор кўрсатиш, уларнинг фаоллигини ошириш, айниқса, қизларни ўн икки йиллик таълим билан тўлиқ қамраб олиш борасидаги кенг қўламли ишлар муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг эркеклар билан тенг ҳуқуқлиги, оила, оналик ва болалик манфаатлари муҳофазаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қўллаб-қувватлаш ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1991 йил 27 декабрда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташкил этилгани аёллар, оилалар ва болалар билан боғлиқ давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимизнинг 1995 йил 2 мартда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари ва жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари раисларига ҳоким ўринбосари макрами берилди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони аёлларни ижтимоий ҳимоялашга оид ишларни янада кучайтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, тадбиркорликка оид илгор ғоя ва ташаббусларини ҳаётга татбиқ этиш учун яқиндан қўллаб-қувватлаш, фаолияти хотин-қизларга оид жамоат тузилмалари ишини доимий мувофиқлаштириш бўйича амалий чора-тадбирларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришда муҳим дастуруламал бўлаётди.

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги изчил ишларнинг самарасида «Соғлом она – соғлом бола» дастури умумийлик ҳаракатга айланди. Нуфузли халқаро институтларнинг эътирофи эътибори, Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қўлай шaroитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Жаҳон рейтингда мамлакатимиз ёш авлод саломатлигига энг кўп ғамхўрлик кўрсатётган ўн давлат сафидан жой олди.

Аҳоли генофондини яхшилаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида аёлларнинг ўртача умри 66 ёшдан 73,5 ёшга ўзайди. Оналар ва гўдаклар ўлими 3 баробар камайди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепция-

сида давлат ва жамоат ташкилотлари ўрта-сидаги ижтимоий ҳамкорлини янада мустаҳкамлашга оид вазифаларнинг белгилангани аёллар масалалари билан шуғулланувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тобора кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотлари сони 2012 йилда 539 тага етди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси аёлларга оид давлат сиёсатини кенг жамоатчиликка етказиш, маъруза тизим фаолиятини янада жонлантириш, унинг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, аёлларнинг ижтимоий фаоллигига оид янги ғоя ва ташаббусларни илгари суртиш, ижтимоий аҳамиятга молик дастур ҳамда ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўшбу жамоат ташкилоти тизимида 208 ҳудудий бўлима, 43 мингта яқин бошланғич ташкилот фаолият қўришмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида хотин-қизлар, айниқса, қишлоқ аёллари учун муносиб турмуш шароити яратиш, ўсим қизларга ғамхўрлик ва эътиборни кучайтириш, уларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш, касб-ҳунарга йўналтириш, оилавий тадбиркорлигини ривожлантиришга оид ишлар ҳажми янада ортди.

Хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган дастурлар самарасида 2013 йилнинг 9 ойи давомида 371,5 мингта янги иш ўрни яратилди. Уларнинг қарийб 90 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келди. Ўтган даврда тижорат банклари томонидан тадбиркор аёлларга ажратилган микрокредитлар 499,5 миллиард сўми ташкил этгани мамлакатимизда аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги эзгу ишлар қўламининг нақадар кенглигини тасдиқлайди.

2013 йилда фертил ёшдаги 7 миллиондан ортиқ аёл тиббий қўриқдан ўтказилди. Хотин-қизлар қўмиталари томонидан маҳал-

ла ёшлари ўртасида ўз саломатлигига бўлган эътибор ва масъулиятни кучайтиришга, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш тўғрисида шакллантиришга, экологик маданиятни юксалтиришга қаратилган минглаб тарғибот-тушултириш тадбирлари ўтказилди. Таълим даргоҳларида «Ораста қизлар» тўғрақлари фаолиятининг кенг йўлга қўйилгани таълим-тарбия ишини янада такомиллаштириш, қизларнинг тиббий, ҳуқуқий билимини ошириш, уларнинг оила ва жамият олдидagi масъулиятини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Оиланинг аҳил ва бахтиёрлиги, ҳаёти-нинг янада обод ва фаровонлиги кўп жиҳатдан хотин-қизларнинг жамиятдаги маънавияти, «дейд» Сурхондарё вилояти Ўзун тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилором Сафарова. – Ташкилотимиз тегишли ҳокимлик ва идоралар, вазирликлар, жамоат тузилмалари билан биргаликда хотин-қизлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, эрта турмуш қуриш, яқин қариндошлар ўртасидаги низоҳлар, тўйлардаги ортиқча дабдабозликларнинг олдини олиш, коллежни тамомлаган қизларни иш билан таъминлаш, оилавий тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш каби масалаларга доимий эътибор қаратмоқда.

Анжуманда хотин-қизлар қўмиталари тизимида фаолият қўрсатётган раҳбар ходимларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий соҳалардаги савиясини юксалтириш борасида амалга оширилаётган аниқ тадбирлар белгиланиб олинди. Иштирокчилар Тошкент шаҳридаги намунали маҳаллалар фаолияти билан танишдилар. Анжуман доирасида «Тадбиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси» танлови ғолиблари тақдирланди.

Анжуманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

(ЎЗА)

Тадбирлар

САНЪАТ ДЎСТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашининг «Ўзбекистон – Латвия» дўстлик жамияти томонидан Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Санъат дўстлиги мустаҳкамлайди» мавзусида тадбир ўтказилди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди гранти режаси доирасида амалга оширилди.

Дўстликка бағишланган ўшбу кечада республикаимизда фаолият юритаётган жамоат ташкилотлари вакиллари, санъаткорлар, Ўзбекистон Давлат консерваториясида билим олаётган талаба ва устозлар иштирок этди.

Маълумки, инсон камолотида мусиқа ва санъатнинг ўрни беқиёс. Шу боис истисноқ йилларида ўшбу соҳаларни ривожлантириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва истеъдодини юзага чиқаришга устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратишмоқда.

Ортимизда санъатга иқтисоманд, иходий изланишга, яратувчанликка иштиёқ билан қилишлар қўллаб-қувватланади. Халқимизнинг ноёб санъати, қўна оҳанглари, чолгулар ноҳаси санъаткорлар маҳорати ҳар қандай кишини лол қолдиради. Айниқса, мусиқа сехри танадаги оғир дардни ҳам даволайди. Она алласини тинглаб ўсган фарзанд тарбиясида баркамолликка мойиллик мавжуд. Дилларни, элларни жипслаштирувчи ўшбу сехр заминиди дунёда дўстлик, тинчлик барқарор бўлади.

Ортимизда санъатга оид ўтказилган халқаро фестиваллар чуқур маданий ил-дизларга эга бўлган Ўзбекистон заминини дунёга танитмоқда, халқаро алоқаларни ривожлантирмоқда.

Шу боис ўтказилган тадбирда ҳам сўзга чиққанлар томонидан санъатнинг дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашда асосий восита эканлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбек ва латвий халқи мусиқа санъати намоишида иштирокчилар Ўзбекистон Давлат консерваторияси проректори С. Қосимжўзаева, латвиялик машҳур мусиқачи Сергей Йегерс, Ўзбекистон халқ артисти Мўйсар Раззокова каби машҳур санъат усталарининг санъатга оид фикрлари ва моҳир мусиқачилар ижросида куй-қўшиқлар тингладилар.

Тадбир давомида ўшбу олий ўқув юртининг «Вокал» факультети талабалари томонидан турли тилларда ижро этилган куй-қўшиқлар латвиялик моҳир мусиқачи томонидан юқори баҳоланди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

Савдо-сотиқнинг ўз қонун-қондаси бор. Ҳукуматимиз томонидан кейинги пайтларда савдо тизимида тартиб ўрнатишга қаратилган қатор қарорлар қабул қилинди. Мақсад савдо шохобчаларида тартиб ўрнатиш, истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилишдир. Шу жиҳатдан Вазирлар Маҳкамасининг 154-сонли қарори ижросини таъминлаш бизнинг муҳим вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Ўшбу қарорга мувофиқ, юртимизга ҳужжатсиз товарлар олиб келиш ва сотиш мумкин эмас. Шунга қарамай айрим юртдошларимиз томонидан қарорга зид иш қилиш ҳолатлари учраб турибди.

Қинғир иш — келтирар ташвиш

ҲУЖЖАТСИЗ ТЕЛЕФОНЛАР

Фаргона вилояти Қўқон шаҳрида яшовчи И. Абдуллаев «қаричин» катта олганлардан бири экан. Гап шундаки, И. Абдуллаев Тошкент шаҳрига келиб бозордаги уяли телефон аппаратлари нарҳини суриштирди. Солиштириб кўрса Қўқонда бундай махсулотлар нисбатан арзонроқ.

«Тўхта, — деди ўзига ўзи. — Агар Қўқондан арзонроқ олиб Тошкентда сотсам борми...» «Бизнесмен» шундай ширин ҳаёлда орта қайтди. Тўғри Қўқон шаҳрида жойлашган

«Саноат буюм бозори»га бориб, 695 донд 18 турдаги уяли алоқа аппаратларини оз эмас, кўп эмас нақд 110.000.000 сўмга сотиб олиб кутига жойлаштирди. «Товарни Тошкентга олиб бориш керак. Тақсичи 700 минг сўмга манзилга етказадиган бўлди.

— Қўтиларда сотқаларнинг майда эҳтиёт қисмлари бор, — ёлғонин тўқиди И. Абдуллаев. — Тошкентга етиб борганингиздан кейин телефон қилсангиз, қўтиларни олиб

пулингизни беришад. Хотиржам бўлинг, юқининг ҳужжати бор...»

Тақсичи ҳайдовчиси рулни пойтахт томон бурди. Йўлда машинаси бўзилиб қолди. Укасига телефон қилиб вазиятни тушунтирди. Хайрият, Қўйилди экан, тезда келди. «Юқини «Нексия»га ортишди. Машина «Бектемир» ИТХ масканда тўхталиб, юқонадаги қўтилар очиб қўрилганда эҳтиёт қисмлар эмас, уяли алоқа аппаратлари жойлаштирилгани маълум бўлди.

Дарҳақиқат, И. Абдуллаев ноқонуний даромад орттириш мақсадида хорижда ишлаб чиқарилган ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган уяли телефон аппаратларини Тошкент бозорларида сотиб, боийлик орттирмоқчи эди. Аммо у ниятига етмади. Мутахассислар уяли телефон аппаратларини 362.813.900 сўмга баҳолашди. Шундай қилиб, эгри йўлдан бориб ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам алдамоқчи бўлган И. Абдуллаев суд олдида жавоб берди.

Кези келганда бир гапни айтиб ўтиш керак. Савдо фаолияти билан шуғулланиш учун аввало рухсатнома олиш керак. Кейин эса тегишли ҳужжатлари бор товар-маҳсулотлар билан савдо-сотиқ қилиш мумкин. Бор ҳолда тартибни бузганлар албатта жазоланади.

НУРИДДИН ЖУРАЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛКК
Департаменти Бектемир туман бўлими
катта суриштирувчиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
КОРХОНАСИ** бошланғич баҳоси босқичма-босқич
ошиб бориш тартибда ўтказилаётган очик
аукцион савдосига тақдир этилди!

Савдога қўйидаги автотранспорт воситалари қўйил-
моқда: 1. Пскент тумани СИБ томонидан 09.10.2012
й. № 11-1232/14276, 08.11.2012 й. № 11-1229/15554-
сонли ижро ҳужжати асосан 1982 й. и.ч. «Автокран
КС-3562Б» Шасси Маз-5334 д.р. 11 АС 399. Бошлан-
ғич баҳоси – 6 295 279,50 сўм. «Пахта тозалаш заво-
ди» ОАЖда сакланмоқда. (1). 2. Пскент тумани СИБ
томонидан 24.12.2009 й. ижро ҳужжати асосан 1984
й. и.ч. «КамАЗ-5320» д.р. 11 Z 9600. Бошланғич баҳо-
си – 2 109 576,93 сўм. Пскент тумани «Бунёдор»
МЧЖда сакланмоқда. (2). 3. Пскент тумани СИБ томо-
нидан 10.08.2012 й. ижро ҳужжати асосан 1978 й.
и.ч. «Газ-53» д.р. 11 X 6605. Бошланғич баҳоси –
8 847 058,16 сўм. 4. Пскент тумани СИБ томонидан
21.08.2012 й. ижро ҳужжати асосан 2005 й. и.ч.
«Матиз» д.р. 10 K 189 BA. Бошланғич баҳоси – 14 850
000 сўм. Пскент туман ИИБ ЙХХ жарима майдончи-
да сакланмоқда. (3,4). 5. Мировод тумани СИБ томо-
нидан 10.05.2012 й. № 16629/6-сонли ижро ҳужжа-
ти асосан 1980 й. и.ч. «Москвич-412» д.р. 30 M
8549. Бошланғич баҳоси – 564 898 сўм. 6. Мировод
тумани СИБ томонидан 19.11.2012 й. № 36687/10-
сонли ижро ҳужжати асосан 1973 й. и.ч. «ГАЗ СГП
Ваз 2101» д.р. 11 W 7590. Бошланғич баҳоси – 1 429
560 сўм. 7. Мировод тумани СИБ томонидан
08.10.2012 й. № 34268/10-сонли ижро ҳужжати асо-
сан 2003 й. и.ч. «Даймлер Крайслер» д.р. 10 A 737
AA. Бошланғич баҳоси – 70 110 000 сўм. 8. Мировод
тумани СИБ томонидан 18.01.2013 й. № 1013/10-
сонли ижро ҳужжати асосан 2008 й. и.ч. «ГАЗ СГП
Лада 21074-110-30» д.р. 10 M 653 FA. Бошланғич
баҳоси – 15 732 000 сўм. Тошкент шаҳар ИИББ
Ахборот марказида сакланмоқда. (5,6,7,8). 9. Мировод
тумани СИБ томонидан 01.12.2011 й. № 25109/21-
сонли ижро ҳужжати асосан 1988 й. и.ч. «Заз-
968» д.р. M 4954 TH. Бошланғич баҳоси – 169 451
сўм. 10. Мировод тумани СИБ томонидан 01.06.2012
й. № 18927/6-сонли ижро ҳужжати асосан 1985 й.
и.ч. «Москвич-412» д.р. 01 Q 293 CA. Бошланғич ба-
ҳоси – 1 238 621 сўм. «Space Arsenal Service» МЧЖда
сакланмоқда. (9,10). 11. Мировод тумани СИБ томо-
нидан 29.04.2013 й. № 11242/10-сонли ижро ҳужжа-
ти асосан 2000 й. и.ч. «Опель Омега» д.р. сиз. Бош-
ланғич баҳоси – 19 728 650 сўм. 12. Мировод тумани
СИБ томонидан 29.04.2013 й. № 11242/10-сонли ижро
ҳужжати асосан «CP416» русумли далага ишлов бе-
рувчи плуг. Бошланғич баҳоси – 88 846 357 сўм. «За-
фар-И» ХИЧТК божхона омборида сакланмоқда.
(11,12). Аукцион савдоси 2013 йил 9 декабр кун
соат 11:00 да бўлиб ўтади. 13. Шайхонтоьр тумани
СИБ томонидан 22.10.2013 й. № 14475/15-сонли ижро
ҳужжати асосан 2010 й. и.ч. «Матиз» д.р. 01 S 644
EA. Бошланғич баҳоси – 22 400 000 сўм. «Автомато
хаваскор Ганга» МЧЖ жарима майдонида сакланмоқ-
да. (13). 14. Ҳамза тумани СИБ томонидан 19.08.2013
й. № 1-439/13-сонли ижро ҳужжати асосан 1991 й.
и.ч. «Мерседес Бенц» д.р. 01 Q 654 PA. Бошланғич
баҳоси – 23 073 000 сўм. 15. Ҳамза тумани СИБ
томонидан 05.09.2013 й. № 1-586/13-сонли ижро ҳуж-
жати асосан 2009 й. и.ч. «Дамас» д.р. 70 E 839 AA.
Бошланғич баҳоси – 26 656 451,6 сўм. 16. Ҳамза
тумани СИБ томонидан 19.06.2013 й. № 1-399/13-
сонли ижро ҳужжати асосан 1993 й. и.ч. «ДЭУ Рай-
сер» д.р. 01 U 379 HA. Бошланғич баҳоси – 23 073
000 сўм. 17. Ҳамза тумани СИБ томонидан 21.08.2013
й. № 1-533/13-сонли ижро ҳужжати асосан 2010 й.
и.ч. «Капитива» д.р. 01 Y 757 GA. Бошланғич баҳоси –
75 000 000 сўм. 18. Ҳамза тумани СИБ томонидан
24.04.2013 й. № 1-189/13-сонли ижро ҳужжати асо-
сан 2009 й. и.ч. «Ласетти» д.р. 01 M 220 EA. Бошлан-
ғич баҳоси – 45 543 000 сўм. 19. Ҳамза тумани СИБ
томонидан 27.05.2013 й. № 1-189/13-сонли ижро ҳуж-
жати асосан 2011 й. и.ч. «Эпила» д.р. 01 G 082 KA.
Бошланғич баҳоси – 63 961 000 сўм. 20. Ҳамза туман-
и СИБ томонидан 27.05.2013 й. № 1-189/13-сонли
ижро ҳужжати асосан 2006 й. и.ч. «Ласетти» д.р. 01
B 588 JA. Бошланғич баҳоси – 34 240 000 сўм. 21.
Ҳамза тумани СИБ томонидан 27.05.2013 й. и.ч.
«Нексия» д.р. 01 O 121 DA. Бошланғич баҳоси – 26 030
000 сўм. 22. Ҳамза тумани СИБ томонидан 23.05.2013
й. № 1-162/13-сонли ижро ҳужжати асосан 1983 й.
и.ч. «Ваз-21013» д.р. 10 J 215 BA. Бошланғич баҳоси –
2 400 000 сўм. 23. Ҳамза тумани СИБ томонидан
26.03.2012 й. № 2-29/12-сонли ижро ҳужжати асо-
сан 1994 й. и.ч. «Мерседес Бенц» д.р. 01 C 521 CA.
Бошланғич баҳоси – 11 595 083 сўм. 24. Ҳамза туман-
и СИБ томонидан 23.08.2013 й. и.ч. «Нексия» д.р. 01
G 608 KA. Бошланғич баҳоси – 26 999 100 сўм. 25.
Ҳамза тумани СИБ томонидан 23.08.2013 й. №
1-257/13-сонли ижро ҳужжати асосан 2010 й. и.ч.
«Нексия» д.р. 01 977 FBA. Бошланғич баҳоси – 26 999
100 сўм. 26. Ҳамза тумани СИБ томонидан 23.08.2013
й. № 1-257/13-сонли ижро ҳужжати асосан 2009 й.
и.ч. «Нексия» д.р. 10 S 097 EA. Бошланғич баҳоси –
25 600 000 сўм. 27. Ҳамза тумани СИБ томонидан
26.03.2012 й. № 2-29/12-сонли ижро ҳужжати асо-
сан 2009 й. и.ч. «SUZU Saz NP 37» д.р. 01 M 002441.
Бошланғич баҳоси – 48 621 951 сўм. 28. Ҳамза туман-
и СИБ томонидан 28.12.2012 й. № 10-1208/24587-
сонли ижро ҳужжати асосан 1996 й. и.ч. «Мерседес
Бенц 108 D» д.р. 01 M 002404. Бошланғич баҳоси – 4
034 000 сўм. 29. Ҳамза тумани СИБ томонидан
28.12.2012 й. № 10-1208/24587-сонли ижро ҳужжа-
ти асосан 1985 й. и.ч. «Мерседес Бенц 409 D»
д.р. 01 M 002408. Бошланғич баҳоси – 4 356 000
сўм. 30. Ҳамза тумани СИБ томонидан 28.12.2012
й. № 10-1208/24587-сонли ижро ҳужжати асосан
1997 й. и.ч. «Мерседес Бенц» д.р. 01 M 002407.
Бошланғич баҳоси – 4 699 000 сўм. Аукцион савдо-
си 2013 йил 23 декабр кун соат 11:00 да бўлиб
ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари билан
тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштиро-
кида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аук-
цион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар-
дан аризаларни ҳар кун (даво олиш ва байрам кун-
ларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул
қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кун
қолганда соат 16:00 да тўхтайтилади. Аукцион савдо-
сида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар авто-
транспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи
миқдорида кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳуж-
жатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган
ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида
тартибда савдо ташкилотчиси – «SPARETRA» МЧЖнинг
«ASIA ALLIANCE BANK» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиал-
лидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:
№ 2020 8000 9048 8730 5001, МФО: 01103, СТИР:
301829604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранс-
порт воситаси қийматини 5 банк кун ичра мўбанида
тўлашига тўлаш шарт. Манзил: Тошкент шаҳри,
Юнусов тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон.
Телефон: (8371) 212-89-55.

